Т АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
7.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

**ХУДОЙҚУЛОВ ЗАРИФ ТЎРАҚУЛОВИЧ**

# САМАРАЛИ КРИПТОГРАФИК КАЛИТЛАРНИ ГЕНЕРАЦИЯЛАШ УСУЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.05 – Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

УДК: 004.056.55

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефератн мундарижаси**

**Оглавление автореф... ертации**
**доктора ... ским наукам**



**...f philosophy (PhD)**



...ш усуллари ва ..... 3

...ографических ..... 21

ation ..... 39

..... 43

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУДОЙҚУЛОВ ЗАРИФ ТЎРАҚУЛОВИЧ**

# САМАРАЛИ КРИПТОГРАФИК КАЛИТЛАРНИ ГЕНЕРАЦИЯЛАШ УСУЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.05 – Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/T353 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар:** | **Ганиев Салим Каримович**<br>техника фанлари доктори, профессор |
| **Расмий оппонентлар:** | **Алоев Рахматилло Жураевич**<br>физика-математика фанлари доктори, профессор |
| | **Туйчиев Гулом Нумонович**<br>физика-математика фанлари доктори |
| **Етакчи ташкилот:** | **«UNICON.UZ» – фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази** |

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 Илмий кенгашнинг 2018 йил «21» декабр соат 14 00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 2 ГБ/ рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2018 йил «17» декабр да тарқатилди.
(2018 йил «16» ноябр даги 14 рақамли реестр баённомаси.)

**Р.Х. Хамдамов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ф.М. Нуралиев**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

**Р.Ж. Алоев**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф-м.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ахборотнинг криптографик ҳимоя тизимларини ишлаб чиқишга ва уларни самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ахборот-коммуникация тизимлари ривожининг ҳозирги замон босқичида ахборотнинг конфиденциаллиги ва бутунлигини таъминлаш муҳим ҳисобланади. «Accenture компанияси маълумотига кўра, 2018 йил учун кибер ҳужумларнинг энг қиммат компоненти маълумотни сирқиб чиқиши бўлиб, умумий келтириладиган зарарнинг 43%ни ташкил этади»[1]. Бу йўналишда ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Россия Федерацияси, Япония, Хитой ва бошқа давлатларда ҳисоблаш тармоқларида узатилаётган ахборот яхлитлиги ва конфиденциаллигини таъминлаш имкониятини берувчи криптографик воситалар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда бардошли калитларни генерациялаш имконини берувчи, қурилмага ёки операцион тизим ресурсларига асосланган калит генераторларини яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан ҳосил қилинаётган калитларнинг тасодифийлик даражасини аниқ ҳисоблаш, ҳодиса манбаларидан келаётган қийматларни хавфсиз тўплаш ва тасодифий қиймат асосида старлича узунликдаги псевдотасодифий кетма-кетликларни тезкорлик билан шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Шу билан бирга криптографик калитларни хавфсиз бошқариш, эсда сақлашни ва олиб юришни талаб этмайдиган калитлардан фойдаланиш имконини берувчи жараёнларни такомиллаштиришни илмий асослаш зарур бўлмоқда.

Республикамизда давлат ва хўжалик бошқарув органларида электрон ҳужжат алмашинув тизимларини татбиқ этишда ва электрон ҳукумат тизимини шакллантиришда маълумотлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш»[2] вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни бажаришда ахборотнинг криптографик ҳимоя воситалари, хусусан турли ҳодиса манбаларидан келаётган тасодифий қийматлар асосида самарали криптографик калитларни генерациялаш усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

[1] https://blog.varonis.com/cybersecurity-statistics/

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2007 йил 3 апрелдаги ПҚ-614-сон «Ўзбекистон Республикасида ахборотни криптографик муҳофаза қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Криптографик тизимлар учун самарали калитларни генерациялаш хусусан, псевдотасодифий кетма-кетликларни ҳосил қилиш, биометрик параметрларга асосланган калитларни генерациялаш усулларини ишлаб чиқиш ва уларнинг хавфсизлик хусусиятларини таҳлил қилиш бўйича B.Schneier, J.Viega, Y.Dodis, J.Kelsey, L.Ballard, A.Juels, A.Smith, A.Shamir, M.Al Tarawneh, N.Ferguson, О.В.Куликова ва бошқа чет эллик олимлар томонидан инженерлик-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда С.К.Ганиев, М.М.Каримов, П.Ф.Хасанов, Д.Е.Акбаров, А.И.Мусаевлар бошчилигидаги илмий жамоалар томонидан ахборотнинг криптографик ҳимоя усуллари хусусан, криптографик тизимлар учун тасодифий калитларни генерациялаш, оқимли шифрлаш, симметрик блокли шифрлаш, очиқ калитли шифрлаш, хэш-функция ва электрон рақамли имзо усуллари ўрганиб чиқилган.

Шунинг билан бирга калитнинг тасодифийлик даражасига аниқ баҳо берувчи энтропияни ҳисоблаш усуллари, тезкорлик ва юқори псевдотасодифийлик даражасига эга бўлган криптографик сонлар генераторларини яратиш ва амалда қўлланилувчи биометрик параметрларга асосланган самарали криптографик калитларни генерациялаш усуллари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №Ф706-17 – «Ахборот тизимларида биометрик – криптографик технологиялар қўлланилишининг тадқиқи» (2017-2018) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тасодифийлик даражаси юқори аниқликка эга самарали криптографик калитларни генерациялаш имкониятини берувчи

ҳамда уларни эсда сақлашни ва олиб юришни талаб этмайдиган усул ва алгоритмларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

таҳдид моделини ва унинг асосида энтропияни юқори аниқликда ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

тасодифийлик даражаси юқори бўлган қийматларни ҳосил қилувчи псевдотасодифий сонларни генерациялаш усули ва алгоритмини ишлаб чиқиш;

бармоқ изи тасвиридан ишончли муҳим нуқталарни ажратиш усулини такомиллаштириш;

калитларни сақлашни ва хавфсиз олиб юришни талаб этмайдиган бармоқ изи параметрларига асосланган самарали калитларни генерациялаш усули ва алгоритмини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида криптографик тизимларда қўлланилувчи криптобардошли калитларни генерациялаш олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** биометрик параметрларга асосланган тасодифийлик даражаси юқори аниқликга эга калитларни генерациялаш усуллари ва алгоритмлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида ахборотни криптографик ҳимоялаш тизимлари назарияси, эҳтимоллик назарияси, сонлар назарияси, математик мантиқ, моделлаш ва объектга йўналтирилган дастурлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

таҳдид модели ва унинг асосида тасодифий сонлар генератори томонидан генерацияланган кетма-кетликлар энтропиясини аниқ ҳисобловчи усул ишлаб чиқилган;

ҳодисалар манбаларини мантиқий гуруҳларга ажратиш асосида тасодифий сонлар генераторидан келаётган қийматларни «пул»ларда тўплаш усули такомиллаштирилган;

симметрик блокли шифрлаш ва калитли хэш-функция алгоритмларини санагич режимида фойдаланиш орқали псевдотасодифий сонларни генерациялаш усули ва алгоритми ишлаб чиқилган;

бармоқ изи тасвиридаги муҳим нуқталар орасидан қалбакиларини аниқлаш орқали криптографик калит учун керакли ахборотни ажратиш усули такомиллаштирилган;

бармоқ изи ёрдамида калитларни эсда сақлашни ва хавфсиз олиб юришни талаб этмайдиган самарали криптографик калитларни генерациялаш усули ва алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

юқори аниқликдаги энтропияга эга тасодифий кетма-кетликлар асосида криптобардошли калитларни генерациялашнинг дастурий воситаси ишлаб чиқилган;

бармоқ изига асосланган калитларни генерациялаш имконини берувчи дастурий восита ишлаб чиқилган;

генерацияланган кетма-кетликларни тасодифийлик даражасини текширувчи ва таҳдид модели асосида энтропия қийматларини ҳисобловчи дастурий воситалар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги криптографик тизимларда зарур бўлган бардошли калитларни ҳосил қилиш мақсадида ишлаб чиқилган таҳдид модели ва унга асосланган энтропияни ҳисоблаш, тасодифий ва псевдотасодифий калитларни генерациялаш алгоритмларидан олинган реал ва тажрибавий таҳлиллар билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган таҳдид модели асосида тасодифий сонлар генератори учун энтропия қийматини аниқ ҳисоблаш ва биометрик параметрларга асосланган самарали калитларни генерациялаш алгоритмларини ва дастурларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти криптографик тизимларга бўладиган калитга боғлиқ таҳдидларни минималлаштириш, калитларни хавфсиз сақлашни ва олиб юришни талаб этмайдиган криптографик калитларни бошқариш имконияти билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ишлаб чиқилган таҳдид модели ва унга асосланган энтропияни ҳисоблаш усули орқали самарали криптографик калитларни генерациялаш усуллари, алгоритмлари ҳамда дастурий воситалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

самарали криптографик калитларни генерациялаш бўйича «BIO KEY BINDING SYSTEM», «Trusted (Pseudo) random number generators» ва «WIN RNG» дастурий воситаларига «UNICON.UZ» ДУК томонидан фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида хулоса берилган («UNICON.UZ» ДУКнинг 2018 йил 7 ноябрдаги хулосаси). Натижада мавжуд ҳодисалар манбаларидан ҳосил бўлган қийматлар энтропиясини ўлчаш асосида тасодифий калитларни, улар асосида бардошли псевдотасодифий калитларни генерациялаш ва калитларни самарали бошқариш имкониятлари яратилган;

ҳодисалар манбаидан келаётган ахборот энтропиясини аниқ ҳисоблаш асосида мантиқий ажратилган «пул»ларда сақлаш орқали шакллантирилган тасодифий қийматга кўра калитларни генерациялаш имкониятини берувчи дастурий восита «UNICON.UZ» ДУКнинг амалий фаолиятига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 5 октябрдаги 33-8/7438-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида маълумотларни тўпловчи махсус қурилма маълумотларни шифрлашда зарур ишончли тасодифий калитлар билан таъминланиб, уларни доимий янгилаш имконини берган;

симметрик блокли шифрлардан ва калитли хэш-функциялардан санагич режимида фойдаланиш асосида криптографик инфратузилмалар, симметрик, очиқ калитли ва аутентификация тизимлари учун турли тасодифий қийматларни ва калитларни генерациялаш имконини берувчи дастурий восита «AlpCrypto» МЧЖга жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва

коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 5 октябрдаги 33-8/7438-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган дастурий восита NIST Special Publication 800-22 тестлар тўплами доирасида 95,3% тасодифийлик даражасига эга кетма-кетликларни генерациялаш имконини берган;

бармоқ изи асосида калитларни сақлашни ва олиб юришни талаб этмайдиган криптографик калитларни генерациялаш усулининг дастурий воситаси «MironSoft» корхонасига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 5 октябрдаги 33-8/7438-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида бармоқ изи асосида 128 ва 256 битли калитларни генерацияловчи дастурий восита калитларни генерациялаш самарадорлигини 78%гача ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 8 та мақола, 2 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида нашр этилган ҳамда 3 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Криптографик калитларни бошқариш муаммолари»** деб номланган биринчи боби криптографик калитлар ва уларни бошқаришда қўйиладиган талаблар, калитларни бошқариш жараёнида мавжуд таҳдидлар ва криптографик калитларни генерациялаш усулларининг тадқиқига бағишланган.

Тасодифий кетма-кетликларни генерациялаш усуллари 3 та туркумга: хавфсиз бўлмаган тасодифий сонлар генератори, криптографик псевдотасодифий сонлар генератори ва энтропия тўпловчиларига ажратилади.

Мазкур туркумларга тегишли мавжуд калит генераторларидаги хавфсизлик муаммолари 1-жадвалда келтирилган. Биринчи туркумга тегишли алгоритмлар тезкор саналсада, такрорланиш даври кичик. Иккинчи туркумга тегишли генераторлар киришда фиксирланган тасодифий қийматни қабул қилиб, чиқишда катта узунликдаги кетма-кетликларни ҳосил қилади. Энтропия тўпловчилар турли ҳодисалар манбаидан чиқаётган қийматларни тўплаб боради ва маълум вақтда фиксирланган узунликда тасодифий калитни генерациялайди. Бу калит криптографик псевдотасодифий сонлар генератори учун кириш қиймати сифатида фойдаланилади.

**1-жадвал**

**Тасодифий сонларни генерациялаш усуллари**

| № | Тасодифий сонларни генерациялаш усули | Мавжуд камчилик |
|---|---|---|
| 1. | Хавфсиз бўлмаган тасодифий сонлар генератори (турли дастурлаш тилларидаги rand() ёки random() функцияси) | - Хавфсиз эмас;<br>- Такрорланиш даври кичик; |
| 2. | Криптографик псевдотасодифий сонлар генератори (ANSI X9.17, BBS, ISAAC ва ҳ.) | - Тезкорлиги паст;<br>- Бардошли бўлмаган алгоритмдан фойдаланилган (масалан, MD5, SHA1 ва ҳ.) |
| 3. | Энтропия тўпловчилар (/dev/random, Fortuna, Yarrow ва ҳ.) | - Энтропияни ҳисоблашда турли исботланмаган эвристик тенгликлардан, фаразлардан фойдаланилган ёки ҳисоблашдан қочилган; |

Таъкидлаш лозимки, криптографик калитларни генерациялашнинг мавжуд усуллари тасодифий қиймат энтропиясини аниқ ҳисоблай олмайди ва хавфсиз бўлмаган криптографик алгоритмлардан фойдаланилиб ишлаб чиқилган псевдотасодифий сонлар генераторлари тезкор саналмайди ҳамда фойдаланувчидан калитларни хавфсиз сақлаш зуруриятини талаб этгани боис калитга қаратилган таҳдидларнинг ошишига сабаб бўлади.

Диссертациянинг **«Криптобардошли калитларни генерациялаш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида таҳдид модели ва унга асосланган энтропияни ҳисоблаш усули таклиф этилган. Операцион тизимдаги тасодифий қийматларни «пул»ларга асосланган ҳолда тўплаш усули такомиллаштирилиб, хавфсиз ва тезкор бўлган Blake2b хэш-функциясидан фойдаланилиб қийматлар бир томонлама ўзгартиришлар асосида «пул»ларда сақланган. Бундан ташқари, калитли хэш-функцияларни ва блокли симметрик шифрларни санагич режимида фойдаланишга асосланган псевдотасодифий сонлар генератори таклиф этилган.

Таклиф этилган таҳдид модели учун икки турдаги таҳдидчилар: локаль тармоқ сегментини бошқариш (масофадан) имкониятига эга ва тармоқдан

фойдаланувчи, бироқ ҳодим компьютеридан фойдаланиш имтиёзига эга бўлмаган таҳдидчилар олинди. Ушбу таҳдидчиларга маълум даражадаги имкониятлар берилиб, ҳар бир таҳдидчи учун профессионал бўлмаган, мутахассис ва профессионал кўринишидаги малака даражаси олинди. Биринчи турдаги таҳдидчининг малакасига мос хавф даражалари $\mu = \{0,16; 0,26; 0,34\}$ га тенг деб олинган бўлса, иккинчи таҳдидчи учун ушбу қийматлар $\mu = \{0,28; 0,34; 0,45\}$ га тенг бўлди.

Таклиф этилган таҳдид моделига асосан тасодифий сонлар генераторига таҳдидчилар томонидан келтириши мумкин бўлган зарар даражалари юқори, ўрта ва паст тоифаларга ажратилиб, уларни мос равишда сонли миқдори $\sigma = \{1; 0,5; 0,1\}$ га тенг деб олинди. Бўлиши мумкин бўлган таҳдидлар STRIDE (*Spoofing* - қалбакилаштириш, *Tampering* - ўзгартириш, *Repudiation* - рад этиш, *Information disclosure* - ахборотни ошкор бўлиши, *Denial of service* - хизматдан воз кечишга ундаш, *Elevation of privilege* - имтиёзнинг ортиши) методологиясига кўра олиниб, уларнинг умумий улуши 2-жадвалда акс эттирилган.

**2 - жадвал**

**Тасодифий сонлар генераторига бўлиши мумкин бўлган таҳдидларнинг STRIDE методологияси бўйича улуши**

| STRIDE омили | S | T | R | I | D | E |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Улуши, ρ | 1/11 | 1/11 | 0 | 1/11 | 3/11 | 5/11 |
| Таъсир коэффиценти, σ | 1 | 1 | 0,5 | 1 | 0,1 | 0,5 |
| Таҳдид улушининг тасодифий калит генераторига таъсири, $\tau = \rho * \sigma$; | 1/11 | 1/11 | 0 | 1/11 | 3/110 | 25/110 |

Умумий ҳолда STRIDE методологиясига кўра якуний таҳдид улушларининг йиғиндиси қуйидагига тенг:

$$\tau_{умум} = \sum_{i=1}^{k} \rho_i * \sigma_i$$

Таклиф этилган таҳдид модели асосида манбаларга бўладиган хавф эҳтимоли ω, таҳдидчи малакасига боғлиқ ҳолда қуйидаги тенглик билан ифодаланади:

$$\omega = \mu * \tau$$

Энтропияни статистик қийматини ҳисоблашда NIST SP 800-90B нашрида тасодифий қийматни генерациялаш манбаларининг энтропиясини ҳисоблаш учун таклиф этилган минимал-энтропия (min-Entropy, $H_{min}$) дан фойдаланилди. Ушбу усулга асосан танлаб олинган таҳдид модели учун якуний энтропияни ҳисоблаш тенглигини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$H_{якуний,i} = (1 - \omega_i) * H_{min,i}$$

Тасодифий қийматларни «пул»ларга йиғиш усулини такомиллаштириш мақсадида, мавжуд тасодифий ҳодисалар манбалари алоҳида мантиқий

гуруҳларга ажратилди ва улардан келаётган қийматлар энтропиясини ҳисоблаш орқали Blake2b хэш-функцияси ёрдамида фиксирланган кўринишда сақланди (1-расм).




**1-расм. Энтропияни ҳисоблаб тасодифий қийматларни ажратилган «пул»ларга ёзиш**

«Пул»ларда йиғилган криптобардошли кетма-кетликларни генерацияловчи, калитли Blake2b хэш-функция ва блокли симметрик шифрлаш алгоритмларига асосланган псевдотасодифий сонлар генераторининг (ПТСГ) умумий кўриниши 2-расмда келтирилган.




**2-расм. Таклиф этилган псевдотасодифий сонлар генераторларининг умумий кўриниши**

Таклиф этилган псевдотасодифий сонлар генераторларида «пул»лардан олинган битта калит $2^{16}$ та кетма-кетликлар блокини ҳосил қилишда фойдаланилди ва ҳар бир талаб этилган кетма-кетликдан сўнг калитни янгилаш учун қўшимча кетма-кетлик блоклари генерацияланди. Бу ҳолда $2^{16}$ та блок ичида коллизиянинг вужудга келиш эҳтимоллиги $2^{-97}$ га тенг бўлади.

Псевдотасодифий сонлар генераторига мурожаат бўлганидан сўнг, дастлаб генераторнинг жорий ҳолати аникланади. Агар талаб қилинган

тасодифий байтларни генерация қилишга генераторнинг жорий ҳолати тўғри келмаса, тезкор «пул» асосида генераторнинг ички ҳолати янгиланади ва санагич нол ҳолатига ўрнатилади. Агар генератор ишлаётган шахсий компьютер энди юкланган бўлса, биометрик «пул» асосида генератор ҳолати янгиланади. Агар тезкор «пул» «ифлосланган» бўлса ёки калит узоқ муддатли фойдаланилганида секин «пул»да тўпланган энтропия асосида генератор ҳолати янгиланади.

Диссертация ишининг **«Самарали калитларни генерациялаш усуллари ва алгоритмлари»** номли учинчи бобида бармоқ изига асосланган, калитларни эсда сақлашни ва олиб юришни талаб этмайдиган, криптографик калитларни генерациялашнинг самарали усули ва алгоритми таклиф этилган. Таклиф этилган усулда бармоқ изидаги муҳим нуқталарнинг, қалбакиларидан ажратиб олиш усули такомиллаштирилган.

Биометрик параметрларга асосланган калитларни генерациялаш усуллари ўзида паролга ва токенга асосланган калитларни генерациялаш усулларида мавжуд бўлган эсда сақлашни ва олиб юришни талаб этмаслиги билан ажралиб туради.

Биометрик параметрларга асосланган калитларни генерациялашда мос биометрик хусусиятни танлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, бармоқ изи, юз тасвири, кўз қорачиғи, қўлнинг геометрик шакли ва овоз параметрлари универсаллик, такрорланмаслик, ўзгармаслик, тўпланувчанлик, амалга оширишлик, мувофиқлик, алданувчанлик ва жараён учун зарур бўлган қурилма ҳамда унинг нархи кесимида таҳлил қилинди (бунда ҳар бир омилни биометрик параметрларда мавжудлиги юқори = 100, ўртача = 75 ва паст = 50 даражада бўлиши мумкин). Таҳлил натижасига асосан бармоқ изи ва кўз қорачиғи энг юқори 89,3% натижани қайд этган бўлсада, бармоқ изи кўз қорачиғига қараганда арзон сканер қурилмасини талаб этади. Бундан ташқари, биометрик параметрларда калит учун етарли ахборотни мавжудлиги текширилганда, бармоқ изи ва кўз қорачиғи учун калит соҳаси мос ҳолда $2^{14}$ ва $2^{20}$ битга тенг бўлди. Ишлаб чиқиладиган биометрик параметрларга асосланган калит генератори учун таҳлил натижаларига асосан ва фойдаланувчиларга қулай бўлиши инобатга олиниб, бармоқ изи параметри танланди.

Таклиф этилган бармоқ изига асосланган калитларни генерациялаш усулида калитлар тасвирдаги муҳим нуқталар асосида ҳосил қилинади. Бармоқ изи тасвиридан ҳақиқий муҳим нуқталар билан бирга қалбаки муҳим нуқталар ҳам олиниши мумкин (3-расм).

Мазкур ҳолда қалбаки муҳим нуқталар орасидан ҳақиқийларини ажратиб олиш учун бармоқ изи тасвирига ишлов бериш босқичлари сўнгги ишлов бериш усули асосида такомиллаштирилди.

Натижада $alfa = |p_i(\alpha) - p_j(\alpha)|$ ва $d = \sqrt{(x_i - x_j)^2 + (y_i - y_j)^2}$ қийматлар ҳисобланади. Бу ерда: *alfa* – иккита муҳим нуқта орасидаги бурчак, $d$ – иккита муҳим нуқта орасидаги Евклид масофаси.

Қалбаки уланмаган чизиқларни аниқлаш учун қуйидаги иккита шарт бажарилиши лозим: $alfa = 180$ ва $d \geq 10$. Агар ушбу шарт бажарилса, иккита муҳим нуқта текширишдан ўтган саналади.

Тасвирнинг четки қисмларида юзага келадиган қалбаки муҳим нуқталарни аниқлаш учун, олинган муҳим нуқтадан мос томонга қараб $r = 10$ пиксел доирасида қора нуқталарнинг мавжуд эмаслиги текширилади.

**a) ажратилган барча муҳим нуқталар**



**b) қалбаки уланмаган чизиқлар**

**c) юқори чап томондаги қалбаки тугалланган қирликлар**

**3-расм. Бармоқ изи тасвиридаги қалбаки муҳим нуқталар**

Юқорида келтирилган шартлар асосида муҳим нуқталар орасидан кераклиги ажратилиб олинди. Ажратиб олинган муҳим нуқталар асосида криптографик калитларни генерациялашда калитларни «озод этиш», калитларни боғлаш ва калитларни генерациялаш схемаларидан кенг фойдаланилди. Калитларни боғлаш схемаси қолганларига нисбатан янгилаш имкониятига эга ва юқори энтропия қийматли калитларни генерациялаш қобилияти билан ажралиб туради.

Таклиф этилган калитларни боғлаш схемаси асосида криптографик калитларни генерациялаш усулининг функционал схемаси 4-расмда келтирилган.

Таклиф этилган усулга асосан бармоқ изи тасвирларидан ажратиладиган умумий муҳим нуқталар сони $n$ нинг қийматига кўра 128 ($15 \leq n < 21$) ёки *256 ($n \geq 21$)* битли калитларни генерациялаш имконияти мавжуд. Акс ҳолда бармоқ изи тасвиридан калитни генерациялашнинг имкони бўлмайди.

Биометрик параметрлар норавшан турдаги ахборот саналганлиги боис, бир фойдаланувчига тегишли иккита биометрик намуналар орасида ҳам фарқ мавжуд. Маълум даражада фарқни бартараф этиш учун хатоликларни тузатишнинг Рид-Соломон кодидан фойдаланилди. Таклиф этилган усулга асосан хатоликни тузатиш коди бармоқ изидаги 3 та муҳим нуқтага тегишли

ахборотни тиклай олади. Бу эса 128 битли калитда мос келган муҳим нуқталар сонининг камида 12 та бўлишини талаб этади.




**4-расм. Криптографик калитларни боғлаш усулининг функционал схемаси**

Диссертациянинг «**Криптографик калит генераторларининг самарадорлигини баҳолаш**» номли тўртинчи бобида таклиф этилган таҳдид модели асосида тасодифий сонлар генератори қийматини ҳисоблаш усулининг, псевдотасодифий сонлар генераторининг ва бармоқ изига асосланган калит генераторининг самарадорликлари баҳоланган. Ҳар бир таклиф этилган усул асосида дастурий воситалар ишлаб чиқилган ва уларни амалда қўллаш натижалари таҳлилланган.

Мавжуд усул ва таҳдид моделига асосланган энтропияни ҳисоблашда битлар сони фарқининг вақтга боғлиқлиги 5-расмда келтирилган. Тезкор ва секин «пул»лар учун энг катта битлар фарқи иккинчи турдаги таҳдидчининг профессионал даражасига тегишли ва уларда 256 бит энтропияни тўплаш учун сарфланган вақтнинг мавжудидан фарқи мос равишда 145,02 мс ва 46668,01 мс га тенг бўлган.




**а) тезкор «пул» учун**




**b) секин «пул» учун**

**5-расм. Мавжуд усул ва таҳдид моделига асосланган энтропияни ҳисоблашда битлар сони фарқининг вақтга боғлиқлиги**

Таклиф этилган псевдотасодифий сонлар генераторини мавжудлари билан таққослаш қатор алгоритмлар асосида ва тасодифийлик даражаларини қиёслаш NIST Special Publication 800-22 тестлар тўплами ёрдамида амалга оширилди. Бундан ташқари, уларнинг тезлик хусусиятлари таққосланиб, қиёсий таҳлил натижалари 6-расмда келтирилган. Тасодифийлик даражасига кўра HMAC CTR ПТСГ ва BLOCK CIPHER CTR ПТСГлари томонидан 256 битли калитни генерациялашда энг юқори натижалар (100% ва 99,57%) қайд этилган. Қолган узунликдаги калитларни генерациялашда ҳам таклиф этилган ПТСГларининг натижалари юқорилигини кўриш мумкин. HMAC CTR ПТСГ ва BLOCK CIPHER CTR ПТСГлар бир турга тегишли мавжуд ПТСГ (RSAREF ПТСГ ва ANSI X9.17 ПТСГ) га нисбатан юқори тезкорликни қайд этди.




**a) тасодифийлик даражаси бўйича**




**b) тезкорлиги бўйича**

1 - ANSI X9.17 ПТСГ
2 - DSA ПТСГ
3 - RSAREF ПТСГ
4 - OPENSLL ПТСГ
5 - DEV/URANDOM ПТСГ
6 - CRYPTGEN - RANDOM ПТСГ
7 - HMAC CTR ПТСГ
8 - BLOCK CIPHER CTR ПТСГ

**6-расм. Таклиф этилган псевдотасодифий сонлар генераторларининг мавжудлари билан қиёсий таҳлили**

Таклиф этилган бармоқ изига асосланган калит генераторини тестлашда уч турдаги бармоқ изи базалари олиниб, умумий натижалар 3-жадвалда келтирилган (False rejection rate, FRR – ёлғондан рад этиш даражаси, False acceptance rate, FAR – ёлғондан тасдиқлаш даражаси).

**3-жадвал**

**Бармоқ изи базалари асосида олинган таҳлил натижалари**

| Омиллар | Cross Match Verifier 300 Classic | Digitalpersona U.are.U 4000 Scanner | Futronic FS88H |
|---|---|---|---|
| Субъектлар сони | 51 | 65 | 40 |
| Олинган бармоқ изи тасвирлари сони | 8 | 8 | 10 |
| Рўйхатга олиш ва калитни тиклашда фойдаланилган намуналар сони | 4/4 | 4/4 | 4/6 |
| Рўйхатга олиш жараёнидаги хатолик | 8/51 | 34/65 | 5/40 |
| Ажратилган MP (Minutiae points) лар сони | 15 MP – 8 та; 21 MP – 35 та. | 15 MP – 18 та; 21 MP – 13 та. | 15 MP – 6 та; 21 MP – 29 та. |
| FRR хатолиги (%) | 12,209 | 19,354 | 22,00 |
| Ўртача MP нуқталар фарқи | 1,633 | 1,991 | 2,071 |
| FAR хатолиги (%) | 0 | 0 | 0 |

Олинган натижаларга кўра энг юқори FRR хатолиги Futronic FS88H базасига тегишли бўлиб, ушбу ҳолда икки бармоқ изи тасвирдаги муҳим нуқталар сонининг фарқи 2,271 га тенг бўлди. Бу эса 3 та муҳим нуқта ахборотини тузатишга созланган Рид-Соломон кодидан фойдаланиб, ўртача ҳар тўртта уринишда 3 тасига тўғри калитни генерациялаш имконияти мавжудлигини билдиради. Калитларни генерациялашдан олдин аутентификация жараёнини амалга ошириш орқали FAR хатолиги нолга тенглаштирилди.

Таклиф этилган бармоқ изига асосланган калитни генерациялаш усулининг 3.2 - бўлимда келтирилган таҳдидларга қарши тура олиш қобилияти 4-жадвалда келтирилган.

**4-жадвал**

**Бармоқ изига асосланган калит генераторининг хавфсизлик таҳлили**

| Ҳужум тури | Таҳлил натижаси |
|---|---|
| Қўпол куч ҳужуми | - 128 ва 256 – битли калитларни генерациялайди ва бу калит узунликлари ушбу ҳужумга бардошли. |
| FAR хатолигига асосланган ҳужумлар | - олинган таҳлил натижаларига кўра FAR хатолиги 0 га тенг бўлди ва бу ҳужумга бардошли. |
| Хатоликларни тузатиш кодларига қаратилган ҳужумлар | - Рид-Соломон коди бармоқ изи тасвиридаги мос келмаган 3 та муҳим нуқталар ҳақидаги ахборотни қайта тиклашга мўлжалланган. |
| Биометрик хусусиятларни ўзгарувчанлиги | - FRR хатолиги 22,00% га тенг бўлганлиги учун ҳақиқий фойдаланувчи томонидан муваффақиятсиз уринишларнинг улуши ўртача 1/4 га тенг бўлди. |
| Калит учун етарли ахборотни мавжуд эмаслиги | - 128 битли ва 256 битли калитларни норавшан қайдлаш (fuzzy commitment) схемаси асосида генерациялаш амалга оширилди. |
| Биометрик параметрларнинг хавфсиз эмаслиги | - калитни тўғри генерациялаш учун талаб этилаётган муҳим нуқталар сони камида 12 (128 битли калит учун) қилиб олинди;<br>- бармоқни тирикликга текшириш имкониятига эга сканерлардан фойдаланилди. |

Ишлаб чиқилган бармоқ изига асосланган калит генератори 128 ва 256 битли калитларнинг норавшан қайдлаш схемасига асосан ҳосил қилиниши, FAR хатолигини нолга тенг бўлиши, калитни муваффақиятли генерациялаш учун муҳим нуқталар сонини камида 12 га тенг бўлиши, тўғри созланган Рид-Соломон кодидан ва сифатли бармоқ изи сканеридан фойдаланилганлиги мавжуд ҳужумларга қарши тура олиш имконини беради.

## ХУЛОСА

«Самарали криптографик калитларни генерациялаш усуллари ва алгоритмлари» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Тасодифий сонлар генераторидан чиқаётган қийматларнинг энтропиясини ҳисоблаш учун таҳдид модели ва унга асосланган усул ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган энтропияни ҳисоблаш усули тасодифийлик даражасини аниқ ҳисоблаш ва сарфланган вақтни минималлаштириш имконини берди.

2. Энтропия манбаидан келаётган қийматларни йиғишда кенг ишлатиладиган «пул»ларга асосланган усул такомиллаштирилди. Такомиллаштирилган қийматларни йиғиш усули хавфсиз ва узоқ вақт фойдаланилувчи калитларни генерациялаш ҳамда тасодифий ҳодисалар манбалари «ифлосланган» тақдирда ҳам янги тасодифий қийматларни ҳосил қилиш имконини берди.

3. Тасодифий кириш қийматидан бардошли калитларни ҳосил қилувчи криптографик псевдотасодифий сонларни генерациялаш усуллари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган усуллар генератор ички ҳолатини янгилаш ва кириш қийматларини давомий алмаштириш орқали қисқа вақт ичида даражаси юқори тасодифий қийматларни ҳосил қилишга имкон берди.

4. Псевдотасодифий кетма-кетликларни генерациялаш усуллари 256 битли калитларни ҳосил қилишда NIST Special Publication 800-22 статистик тестлар доирасида мавжудларига нисбатан юқори тасодифийлик даражасини (HMAC CTR ПТСГ учун 100% ва BLOCK CIPHER CTR ПТСГ учун 99,57%) қайд этиб, мавжуд таҳдидларга қарши тура олиш имкониятини берди.

5. Бармоқ изи тасвирларидан муҳим нуқталарни ажратиш усули такомиллаштирилди. Такомиллаштирилган усул ажратилган муҳим нуқталар орасидан ҳақиқийларини аниқлаш ва улар асосида калитларни генерациялаш самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

6. Бармоқ изи тасвиридаги муҳим нуқталар асосида самарали калитларни генерациялаш усули ва алгоритми ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган усулда калитларни генерациялашда фойдаланувчининг

муваффақиятли уринишлари улуши етарли даражага тенг бўлганлиги калитларнинг мавжуд тахдидларга қарши тура олиш имкониятини оширди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.T.07.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ХУДОЙКУЛОВ ЗАРИФ ТУРАКУЛОВИЧ**

# МЕТОДЫ И АЛГОРИТМЫ ГЕНЕРАЦИИ ЭФФЕКТИВНЫХ КРИПТОГРАФИЧЕСКИХ КЛЮЧЕЙ

05.01.05 – Методы и системы защиты информации. Информационная безопасность

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.3.PhD/T353.**

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

| | |
|---|---|
| **Научный руководитель:** | **Ганиев Салим Каримович**<br>доктор технических наук, профессор |
| **Официальные оппоненты:** | **Алоев Рахматилло Жураевич**<br>доктор физико-математических наук, профессор |
| | **Туйчиев Гулом Нумонович**<br>доктор физико-математических наук |
| **Ведущая организация:** | **«UNICON.UZ» – центр научно-технических и маркетинговых исследований** |

Защита диссертации состоится «21» декабря 2018 года в 14[00] часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентский университет информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №16). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «07» декабря 2018 года.
(протокол рассылки №14 от «16» ноября 2018 года.)

**Р.Х. Хамдамов**
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**Ф.М. Нуралиев**
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

**Р.Ж. Алоев**
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф-м.н. профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире особое внимание уделяется разработке криптографических систем защиты информации и повышению их эффективности. В данном этапе развития информационных и коммуникационных систем важным является обеспечение конфиденциальности и целостности информации. «По данным компании Accenture, в 2018 году среди общего количества кибератак самым атакуемым компонентом явилась утечка данных, что составило 43% от общего количества принесенного ущерба»[1]. По данному направлению в развитых странах, таких как США, Российская Федерация, Япония, Китай и других странах важную роль играет разработка криптографических средств, позволяющие обеспечить целостность и конфиденциальность передаваемой информации в вычислительных системах.

В мире ведутся научные исследования, направленные на разработку генераторов ключей на основе устройства или ресурсов операционной системы, позволяющие создавать ключи с повышенной стойкостью. В этом направлении является одним из важных задач, разработка методов корректного вычисления уровня случайности создаваемых ключей, безопасное накопление значений, приходящие из источников событий, быстрое формирование псевдослучайных последовательностей с достаточной длиной на основе случайных значений. На ряду с этим остается необходимым научное обоснование усовершенствования процессов, которые позволяют безопасно управлять криптографическими ключами, использовать их без необходимости запоминания или безопасного хранения.

В нашей республике предпринимаются масштабные меры по обеспечению безопасности информационной безопасности при внедрении систем электронного документооборота и формированию системы электронного правительства в органах государственного и экономического управления. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг. отмечены задачи, в том числе «...совершенствование системы обеспечения информационной безопасности и защиты информации, своевременное и адекватное противодействие угрозам в информационной сфере»[2]. Для выполнения поставленных задач этого направления одной из наиболее важных является разработка средств криптографической защиты информации, в частности, методов и средств для генерации криптографических ключей на основе случайных значений, поступающих из разных источников информации.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени вносит вклад в выполнении задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по

[1] https://blog.varonis.com/cybersecurity-statistics/

[2] Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5379 от 14 марта 2018 года «О Мерах по совершенствованию системы государственной безопасности Республики Узбекистан», №УП-5349 от 19 февраля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций» и Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-614 от 03 апреля 2007 года «О мерах организации криптографической защиты информации в Республике Узбекистан» а также и других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствие с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

**Степень изученности проблемы.** Для криптографических систем по генерированию эффективных ключей, в частности, по созданию псевдослучайных последовательностей, разработке методов генерации ключей на основе биометрических параметров и анализу характеристик безопасности со стороны B.Schneier, J.Viega, Y.Dodis, J.Kelsey, L.Ballard, A.Juels, A.Smith, A.Shamir, M.Al Tarawneh, Н.Фергусон, О.В.Куликова и других зарубежных ученых проводятся инженерно-исследовательские работы.

В Узбекистане научные коллективы под руководством С.К.Ганиева, М.М.Каримова, П.Ф.Хасанова, Д.Е.Акбарова, А.И.Мусаева изучены криптографические методы информации, в частности, для криптографических систем генерация случайных ключей, поточное шифрование, симметричное блочное шифрование, шифрование с открытым ключом, хэш-функция и электронно-цифровая подпись.

Вместе с тем, недостаточно изучены методы вычисления энтропии, дающие конкретную оценку уровня случайности ключа, методы создания генераторов криптографических чисел, обладающий такими свойствами, как быстродействие и высокий уровень псевдослучайности, а также методы генерации эффективных криптографических ключей, основанных на применяемых на практике, биометрических параметрах.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках научного проекта согласно плану научно-исследовательских работ Ташкентского университета информационных технологий №Ф706-17 - «Исследование применения биометрико – криптографических технологий в информационных системах» (2017-2018).

**Цель исследования** состоит в разработке методов и алгоритмов, позволяющих генерировать эффективные криптографические ключи,

